

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУХАММАД АЛ ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА КУТИБХОНАШУНОСЛИК”  
йўналиши**

**“ЖАХОН АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ ВА  
УЛАРНИНГ ТАХЛИЛИ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**ТОШКЕНТ - 2018**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



---

**“ЖАҲОН АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ ВА  
УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ ” модули бўйича**

---

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**



**ТОШКЕНТ - 2018**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим  
вазирлигининг 2018 йил даги -сонли буйруғи билан  
тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

---

Тузувчилар: ТАТУ “Ахборот-кутубхона тизимлари”  
кафедраси профессори М.А.Рахматуллаев

---

**Ўқув -услубий мажмуа Мухаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент  
ахборот технологиялари университети Кенгашининг қарори билан  
нашрга тавсия қилинган**

# МУНДАРИЖА

1

Ишчи Дастур

2

Модулни ўқитишда  
фойдаланиладиган  
интерфаол таълим  
Методлари

3

Назарий  
Материаллар

4

Амалий  
Машғулот  
Материаллари

5

Кейслар Банки

6

Мустақил  
Таълим  
Мавзулари

7

Глоссарий

8

Адабиётлар Рўйхати

I БҮЛİM

ИШЧИ ДАСТУР

## ИШЧИ ДАСТУР

---

### Кириш

Ишчи дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Республикамиз Биринчи Президентининг 2006 йил “Аҳолини кутубхона ахборот билан таъминлашни ташкил этиш” тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш борасида кутубхоначилик иши соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Қарорда кўзда тутилган янги типдаги ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказларини (АҚМ, АРМ) ташкил қилиш, катта маблағ ва вақт талаб қиласиган мураккаб масала ҳисобланади. Маълумки, замонавий талабларга жавоб берадиган кутубхонада автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимини яратмасдан туриб қарорда кўзда тутилган вазифаларни тўлиқ бажариш мумкин емас. Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимининг таъминотлари яни дастурӣ, техник, ахборот, лингвистик, ташкилий технологик ва кадрлар таъминотларини яратиш долзарб вазифа ҳисобланади.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Жаҳон ахборот ресурслари ва уларнинг таҳлили”** модули мақсади – жаҳон ахборот ресурслари бўйича назарий ва амалий билимларни эгаллаш ҳамда ахборот ресурсларини яратиш, уларни қўллаш, ахборот ресурсларини таркиби, тузилиши, асосий вазифалари ва уларни амалга ошириш воситалари каби билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.

**“Жаҳон ахборот ресурслари ва уларнинг таҳлили”** модули вазифаси – жаҳон ахборот ресурсларини асосий тушунчалари, ривожланиш эволюциаси, жамият, фан ва таълим ривожидаги ахамияти, яратиш технологияси, халқаро консорциуми бўйича билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенциялариға қўйиладиган талаблар**

**“Жаҳон ахборот ресурслари ва уларнинг таҳлили” модулинини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:**

### **Тингловчи:**

- жаҳон ахборот ресурслар тушунчасини, унинг вазифаларини;
- жаҳон ахборот ресурслар вазифаларини;
- жаҳон ахборот ресурслар номларини;
- ривожланган хорижий мамлакатларда жаҳон ахборот ресурслар хизмат кўрсатишнинг замонавий усуллари, иш жараёнлари, ахборот олиш маданиятини шакллантириш тенденцияларини **билиши керак**.

### **Тингловчи:**

- жаҳон ахборот ресурслар билан ишлаш тамойиллари;
- жаҳон ахборот ресурсларнинг сайтлари билан ишлаш;
- жаҳон ахборот ресурслар ва улардпн фойдаланиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- жаҳон ахборот ресурслар базасини тиклаш, импорт ва экспорт қилиш;
- жаҳон ахборот ресурслар тизимида қўлланилаётган лойиҳаларни таҳлил қилиш;
- жаҳон ахборот ресурсларини ташкил этиш, ахборот маҳсулотларини тайёрлаш ва тақдим этиш;
- фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишнинг умумий ва маҳсус (соҳалар бўйича) услубларидан фойдалана олиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

### **Тингловчи:**

- жаҳон ахборот ресурслар билан ишлаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

## **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**“Жаҳон ахборот ресурслари ва уларнинг таҳлили” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.**

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида янги ахборот-технологиялари ва диалогик ёндошув, муаммоли таълим, блиц, алгоритм, мунозара, ўз-ўзини назорат ва бошқа интерактив таълим усулларини;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан кспресс-сўровлар, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш,

диалогик ёндошув, блиц-сўров, мунозара, ўз-ўзини назорат, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

**“Жаҳон ахборот ресурслари ва уларнинг таҳлили”** модули мазмуни ўқув режадаги “Автоматлаштирилган кутубхоналарни бошқариш” ҳамда “Ахборот кутубхона хизмати назарияси ва услубиёти” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда, мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлар бўйича дарс берувчи педагогларни малакасини ошириш тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласиди.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар янги замонавий технологияларни ўрганиш ҳамда муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модулмавзулари	Тингловчинингўкув юкламаси, соат					Мустакил таълим	
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси					
			Жами	жумладан				
				Назарий	Амалий машгулот	Кўчма машгулот		
1.	Жаҳон ахборот ресурслари тушунчаси. Жаҳон ахборот ресурсларининг замонавий ривожланиш тенденцияси. Глобаллашув жараёнида жамият, фан ва таълим ривожида жаҳон ахборот ресурсларининг аҳамияти. EBSCO PUBLISHING, ProQuest, Springer, Oxford University Press Emerald, IVIS ва бошқалар. Очиқ ахборот ресурслари.	4	2	2	4			
2.	“Муаллифлик хуқуқи” Ўзбекистон Республикаси қонуни. Жаҳон электрон ахборот ресурсларига кириш шароитлари ва хуқукий шартлари. Web of Science, Scopus тизимлари, уларда ишлаш тамойиллари.	2	2	2	4			
	<b>Жами:</b>	<b>14</b>	<b>12</b>	<b>4</b>	<b>8</b>		<b>2</b>	

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу. Жаҳон ахборот ресурслари тушунчаси. Жаҳон ахборот ресурсларининг замонавий ривожланиш тенденцияси. Глобаллашув жараёнида жамият, фан ва таълим ривожида жаҳон ахборот ресурсларининг аҳамияти.**

Ахборот ресурсларининг ва ахборот–кутубхона ресурсларининг тушунчалари. Ахборот ресурсларининг замонавий ривожланиш тенденцияси. Жамият, фан ва таълим ривожида електрон ахборот ресурсларининг аҳамияти.

Ўзбекистондаги жаҳон электрон ахборот ресурслари. Жаҳон ахборорот ресурслар ривожланишини истиқболари

**2- мавзу. “Муаллифлик хуқуқи” Ўзбекистон Республикаси қонуни. Жаҳон электрон ахборот ресурсларига кириш шароитлари ва хуқуқий шартлари.**

Илмий-таълимий электрон ресурсларни хуқуқий химояси. “Муаллифлик хуқуқи” ЎзР қонуни. Лицензия келишуви. Жаҳон электрон ахборот ресурсларига кириш шароитлари ва хуқуқий шартлари.

Кутубхоналар консорциуми. eIFL халқаро консорциуми. Махсади ва дастурлари. “Очиқ ахборот ресурлар” дастури. Ахборот электрон ресурсларни кутубхона консорциумида ишлатиш.

EBSCO PUBLISHING, ProQuest Springer, Emerald, IVIS, eIFL халқаро консорциуми мақсад ва дастури. Ўзбекистонда халқаро електрон ахборот ресурслари.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот. : EBSCO PUBLISHING, ProQuest. Springer, Oxford University Press Emerald, IVIS ва бошқалар.**

EBSCO PUBLISHING, ProQuestSpringer, Oxford University Press Emerald, IVIS ва бошқалар.

**2-амалий машғулот. Очиқ ахборот ресурслари.**

Очиқ ахборот ресурслари Фан ва таълимга оид очиқ ахборот ресурслари Ўзбекистонда халқаро электрон ахборот ресурслари.

**3-амалий машғулот. Web of Science тизими, унда ишлаш тамойиллари.**

Web of Science тизими, унда ишлаш тамойиллари.

#### **4-амалий машғулот.**

**Scopus тизими, унда ишлаш тамойиллари.**

Scopus тизими, унда ишлаш тамойиллари.

### **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

#### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш.

## **ҮҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиягини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyихалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиягини ривожлантириш).

## **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш турлари</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Баллар</b>
1	Ассесмент		1.5 балл
2	Мустақил иш топшириқлари	2.5	0.5 балл
3	Амалий топшириқлар		0.5 балл

Ш. БҮЛІМ

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА  
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН  
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ  
МЕТОДЛАРИ

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустакил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



**Намуна:** Маълумотлар базаларини бошқариш тизимининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	ORACLE, SQL SERVER, MYSQL, SQLITE, MS ACCESS кучли томонлари	Oracle: яхши ҳимояланган, .... SQL Server: MS тизимлари билан интеграция, .... MySQL: Web технологиялар учун қулай, ... SQLite: Mobile дастурлаш учун яхши, ... MS Access: Ёш мутахассислар учун мўлжалланган,
W	ORACLE, SQL SERVER, MYSQL, SQLITE, MS ACCESS кучсиз томонлари	Oracle: пуллик, .... SQL Server: секин ишлиши, .... MySQL: очикли, ... SQLite: локал, ... MS Access: содда,
O	ORACLE, SQL SERVER, MYSQL,	Oracle: ....

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

	<b>SQLITE, MS ACCESS</b> имкониятлари (ички)	SQL Server: .... MySQL: ... SQLite: ... MS Access: ....
<b>T</b>	<b>ORACLE, SQL SERVER, MYSQL, SQLITE, MS ACCESS</b> Дастурий таъминотлар билан боғлашдаги тўсиқлар (ташқи)	Oracle: .... SQL Server: .... MySQL: ... SQLite: ... MS Access: ....

### Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустакил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

#### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик групкаларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир групга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади.



ҳар бир груп ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён кипали.



навбатдаги босқичда барча групчлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади мавзу якунланади

**Намуна:**

МВБТ					
ORACLE		SQL SERVER		ACCESS	
афзалиги	камчилиги	афзалиги	камчилиги	афзалиги	камчилиги
<b>Хулоса:</b>					

**“Кейс-стади” методи**

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижা (What).

**“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари**

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш ўйлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li><li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li><li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li><li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li></ul>
--	--

**Намуна:** Бир МВ ишлаб чиқилди. Сизнинг компьютерингиздаги опреацион тизимида бу МВсидан фойдаланиш керак. Бунинг учун қайдай босқичларни ва топшириқларни бажариш керак аниқланг.

### Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони хал қилиш учун асосий босқичларини аниқланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Базадан фойдаланиш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнималарини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя тақлиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна.**

**Фикр:** “МВсидан фойдаланиш учун МВБТлари бўлиши шарт”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### “Ассесмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиликнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникумларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиликнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникумлар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга кўшимча топширикларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.



### Тест

- 1. SQL тилида қандай оператор танлашни бажаради ?
- A. insert
- B. select
- C. Select all



### Тушунча таҳлили

- SQL қисқармасини изоҳланг...



### Қиёсий таҳлил

- МББТларини таҳлил қилинг?



### Амалий қўникма

- МБсини яратиш учун керакли инструментал дастурйи воситаларни ўрнатинг?

## “Инсерт” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“-” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.  
тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб,  
изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб  
берилади ва машғулот якунланади.

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки грухли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини тақкослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Кўшимча маълумот
Data base	Махлумотлар базаси	
Data mining	Жамланган маълумотлар учун қоидалар	
Data warehouse	Маълумотлар жамланмаси	
Information retrieval	Маълумотларни излаш	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади.

### Венн Диаграммаси методи


**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ. ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргаллашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

**Намуна: МВБТ**



#### **“Блиц-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ. қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

**Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастрраб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гурух аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳсласиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўплланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**«МВБТдан фойдланиш даражаси» кетма-кетлигини жойлаштиринг.  
Ўзингизни текшириб қўринг!**

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
MS Access					
DataBAsе					
Oracle					
MS SQL Server					

SQLite					
MySQL					

### “Брифинг” методи

“Брифинг”- (инг. Briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қисқа пресс-конференция.

#### Ўтказиш босқичлари:

- Тақдимот қисми.
- Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

### “Портфолио” методи

“Портфолио” – (итал. Portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг саралangan ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, талаба ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг куйидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гурӯҳӣ
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гурухи, тингловчилар гурухи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

Ш. БҮЛІМ

НАЗАРИЙ  
МАТЕРИАЛЛАР

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу. Жаҳон ахборот ресурслари тушунчаси. Жаҳон ахборот ресурсларининг замонавий ривожланиш тенденцияси. Глобаллашув жараёнида жамият, фан ва таълим ривожида жаҳон ахборот ресурсларининг аҳамияти.**

- 1.1. *Ахборот ресурсларининг ва ахборот-кутубхона ресурсларининг тушунчалари.*
- 1.2. *Ахборот ресурсларининг замонавий ривожланиш тенденцияси. Жамият, фан ва таълим ривожида електрон ахборот ресурсларининг аҳамияти.*
- 1.3. *Ўзбекистондаги жаҳон электрон ахборот ресурслари. Жаҳон ахборорот ресурслар ривожланишини истиқболари*

1.1. Электрон кутубхонанинг миллий ресурслари, ахборот-кутубхона ресурслари, шунингдек, жаҳон ахборот ресурслари асосида шакллантиришнинг энг самарали йўлларидан бири бу АҚМларининг корпоратив ҳамкорлиги ҳисобланади. Компьютерлашган кутубхонадан виртуал кутубхонагача бўлган турли хил турдаги, турли даражадаги кутубхоналар ўртасида оператив равишда маълумотлар алмашишни йўлга қўйиш мураккаб жараёнлардан биридир. Бу ахборот ва дастурий мослашган автоматлаштирилган кутубхона тизимларини интенсив жорий қилиш, электрон кутубхоналарини шакллантириш, АҚМларининг корпоратив тармоғини ривожлантишга асос бўлади.

Ахборот кутубхона муассасаларининг корпоратив тармоғи – бу бошқарув-иктисодий нуқтаи назардан мустақил бўлган АҚМларининг, фойдаланувчиларга ахборот кутубхона хизмати кўрсатишда сифат ва сон жиҳатдан янги хизмат турларини жорий этишдаги бирлашувидир /92/.

Корпоратив тармоқ - илмий-таълимий ва илмий-техник (НТИ) ахборотларни тармоқларда, жумладан, ахборот кутубхона муассасалари тармоғида шакллантиришда моддий ва инсоний ресурсларни иқтисод қилишда муҳим ҳисобланади. АҚМларни корпоратив тармоғини бирлашувида корпоратив каталогглаштириш тизимини яратиш муҳим ҳисобланади.

Корпоратив каталогглаштириш – бу бир қанча ташкилотларнинг (кутубхона, АРМ, АҚМ) ташкилотга келаётган янги хужжатларининг электрон каталогларини шакллантириш ва улардан фойдаланишини амалга оширишdir. Корпоратив каталогглаштиришнинг қуйидаги принципларини кўрсатиш мумкин:

1. Дастурий ахборот мослиги
2. Ўз хоҳишига кўра
3. Техник тайёрлиги
4. Ташкилий тайёрлиги
5. Кадрларни тайёргарлиги

**Дастурий ахборот мослиги** шуни ангалатадики, корпоратив каталоглаштириш иштирокчилари библиографик ахборотни тақдим этишнинг форматларига (MARC келиша оладиган) мос холда ягона дастурий ахборот асосга эга бўлишлари лозимлигини англаатади.

**Ўз хоҳишига кўра аъзо бўлиш принципи, шуни тақазо этадики,** корпоратив каталоглаштириш иштирокчилари мазкур лойиҳага ихтиёрий кутубхоналар ва фойдаланувчилар учун ҳамкорликнинг афзалликларини тушунган холда киришлари назарда тутилади.

**Техник тайёрлиги** бу барча иштирокчилар локал ҳамда коммуникатив вазифаларни бажариш учун зарур бўлган техникага эга бўлиши. Корпоратив каталогизацияция тизимида ягона икки даражали тармоқ технологиялари ахборот ресурсларини тақдим этиш ва ташқи ресурслардан фойдаланишга имкон яратиши лозим.

**Ташкилий тайёрлиги.** АКМ ва АРМ ларнинг ташкилий тузилиши маълумотлар базасини шакллантириш борасидаги барча вазифаларни хал этишга қаратилиши лозим. Айниқса, мазкур лойиҳани амалга оширишда бевосита иштирок этувчи бўлимлар (масалан, каталоглаштириш, автоматлаштириш ва бошқ) тайёр холатга келтириши лозим.

**Кадрларни тайёргарлиги.** Кутубхоналар корпоратив вазифалар, функцияларни тушунувчи ва уларни моҳирона ҳал этувчи ходимларга эга бўлиши ёки бундай таркибни шакллантириши лозим.

Шу тариқа, интеграциялашган ахборот тузилишга эга республика, тармоқ ва минтақавий ахборот ресурсларини бирлаштирувчи, ахборотни давлат органлари, иқтисодиёт субъектлари, фан ва таълим, бутун жамият манбаатлари йўлида ва ягона стандартлар асосида йиғиш, тўплаш, қайта ишлаш, қидириш ва ягона ахборот кутубхона тармоғини ташкил этиш имкони юзага келади. Тақсимланган ахборот тармоғи ташкилотларнинг ўзаро электрон ахборот ресурсларини ёки бу ресурслар хақидаги ахборотларни алмашинувини ягона принциплар ва очиқ умумий қабул қилинган стандартлар асосида ташкил этилган яхлит технологик ва ахборот муҳитини хосил қилиши лозим.

Тармоқни йўлга қўйишнинг якуний натижаси бўлиб, ўзида қуйидаги замонавий технологиялардан иборат операцияларни амалга оширувчи замонавий ахборот инфратузилмани шакллантириш бўлиб ҳисобланади:

- Кутубхона инфратузилмасини интеграциялаш
- Кутубхона ресурслари ва илмий техник ахборотни тўплаш, системалаштириш, қайта ишлаш, сақлаш, қидириш ва етказиб бериш
  - электрон ахборот ресурлари бўйича навигациялар;
  - илмий техник ахборотга эга жаҳон ахборот ресурслари;
  - ўзбек, рус, инглиз тиллардаги ахборот бозоридаги сегментнинг максимал тўлиқлигини таъминлаш;
  - фойдаланувчига долзарб, тўлиқ, максимал равишида тизимлаштирилган, энг қулай шаклда ахборотни тақдим этиш;

- илмий-техник ва илмий-таълими ахборотни - электрон, анъанавий кутубхона ресурслари, депозитарийлар, архивлар ва бошқ., мутаносиб тақсимланган ва тизимлаштирилган уошмаси.

Ахборот-кутубхона фаолиятидаги технологияларни ривожланиш тенденциялари таҳлили қуйидаги ривожланиш йўналишларида хуроса қилиш имконини яратади:

- Глобал ахборот тизимлари ва ахборотга эга бўлишнинг барча имкониятлари орқали, сўровларнинг туридан қатъий назар, фойдаланувчилар эҳтиёжларини имкон даражасида қондириш;
- Электрон кутубхоналар ва виртуал корпоратив тармоқ мухитида жаҳон илмий-таълими ресурсларини тўплаш воситалари ва усулларини ривожлантириш;
- Фойдаланувчиларни нафақат кутубхонадан, балки, масофавий эркин фойдаланиш орқали мустақил ахборот олиш, хатто ресурсларни шакллантириш ва ахборот хизматларини кўрсатишга фаол жалб қилиш;
- Олинадиган ва шакллантириладиган ахборотнинг турли хил бўлиши;
- Ахборот-кутубхона инфратузилмасини ривожлантиришни фаоллаштириш.

Ахборот-кутубхона инфратузилмаси (АКИ) тушунчаси остида республика ёки минтаقا миқёсида ахборот-кутубхона муассасаларининг (АКМ) фойдаланувчиларини эҳтиёжларини максимал равиша қондиришга қаратилган, ахборотни сақлаш ва тавсифлаш, ягона узатиш стандартларига асосланган ягона тармоққа бирлашуви тушунилади.

Ахборот-кутубхона муассасаларини (АКМ) ривожлантиришда асосан қуйидаги иккита модель ишлатилади:

1. АКМларининг маҳаллий тақсимланган модели. №1 модель.
2. Мижоз - сервер модели. №2 модель.

**АКМларининг маҳаллий тақсимланган модели.** 1-модель 1970-80-йиллар ва 90-йиллар бошида етакчи Гарб давлатларининг кутубхона ва архивларида кенг тарқалган эди. Бунда ҳар бир ахборот муассасалари ўзининг электрон каталогларини ташкил этиб, электрон почта ва Интернетдан ахборот ва ёзувларни алмашувида фойдалангандар.

**Мижоз - сервер модели.** 2-модель интернет ривожланиш даврига тўғри келади, бунда Интернет орқали узатиладиган маълумотлар тезлиги маҳаллий тармоқдаги маълумот алмашинувига tenglashgan даврга тўғри келади.

Ушбу икки модельнинг асосий фарқи 2-модель бир ихтисолашган ташкилотда марказлашган маълумотлар базаси бошқаруви ташкил этилишини тақазо этади, 1-моделда маълумот базаларини бошқаруви ҳар бир ахборот муассасасида ташкил этилади (жадвал 1).

Жадвал 1

**Ахборот-кутубхона инфратузилмалари моделларининг  
қиёсий функционал таҳлили**

<b>Кўрсаткич</b>	<b>Маҳаллий тақсимланган модель</b>	<b>Мижоз-сервер марказлашган модели</b>
Автоматлаштирилган ахборот тизими (ААТ)	Ҳар бир ахборот-кутубхона ва архив муассасалари (АКАМ) MARC форматлари ва DUBLIN CORE коммуникатив форматларига асосланган Автоматлаштирилган ахборот тизими (ААТ) эга	Ҳар бир ахборот-кутубхона ва архив муассасалари ААТ га эга бўлиш шарт эмас. Жамоавий фойдаланиш учун ААТ корпоратив тармоқ серверида жойлашган бўлади
Электрон каталогларидан	Ҳар бир ахборот-кутубхона ва архив муассасаси ўзининг серверида электрон каталогни мустақил ташкил этиши ва юргизиши мумкин. Электрон каталог (ЭК) ахборот-кутубхона ва архив муассасаси ходимлари томонидан ташкил этилади ёки корпоратив тармоқдаги бошқа ахборот кутубхона ва архив муассасалари ёзувлари ўзаро алмашуви ассида ташкил этилади	Ҳар бир ахборот-кутубхона ва архив муассасаси ўзининг электрон каталогини бошқарув ташкилот серверининг ахборот мухитида мустақил ташкил этиши ва шакллантириши мумкин. ЭК ўзаро алмашилади
ЭК ва маълумот базаларини бошқаруви	Ҳар бир АКАМ учун маълумот базаси бошқаруви (маълумотлар киритиш, маъмурӣ ва техник хизмат кўрсатиш, назорат қилиш) талаб этилади	Маълумотлар базаси бошқаруви корпоратив тармоқнинг бошқарув муассасасида ташкил этилади
Интернет / Интранет	Тезкор интернет талаб этилмайди	Тезкор интернет талаб этилади
Ахборот хавфсизлиги	Ҳар бир АКАМ учун алоҳида ахборот хавфсизлиги чоралари кўриш талаб этилади	Корпоратив тармоқнинг бошқарув муассасасининг ахборот хавфсизлигини юқори даражада ташкил этиш лозим
Кадрларни тайёрлаш ва таъминлаш	Ҳар бир АКАМ кутубхоначи, архивчи ва маълумот базалари бошқарувчиларини ўқитиш талаб этилади	Ҳар бир АКАМ кутубхоначи, архивчи ва маълумот базалари бошқарувчиларини ўқитиш талаб этилади

Марказий бошқарув (администрирование) қуидаги бир қатор афзаликкларга ега:

- Ҳар бир АҚМда маълумот базалари администратори талаб этилмайди;
- Бошқарув (администратор) кадрларини тайёрлаш қиммат жараён ҳисобланади. Ҳар доим ҳам тайёрланган мутахассис АҚМ да қолмаслиги мумкин. Бешта мутахассис мингтacha АҚМларини маълумот базаларини бошқариши (администрирование) мумкин. Холбуки, бу юқори даражадаги мутахассисларнинг сифатли бошқаруви (администрирование) ҳисобланади. Албатта, беш олтига администраторни тайёрлаш, малакасини ошириш, барча вилоят, туманлардаги администраторларни тайёрлаш ва малакасини оширишдан арzonга тушади.

Автоматлаштирилган ва электрон кутубхоналарни ташкил этиш – бу жуда қиммат ва қўп меҳнат талаб этиладиган жараёндир. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва ҳисоб китоблар шуни кўрсатадики, ахборот кутубхона муассасалари якка холда ўзларининг электрон ресурсларини ташкил этар эканлар улар улкан ресурсларни йўқотадилар, аксарият холларда иш ходимларнинг даражаларини пастлиги туфайли, ёзувларни такрорланиши каби хатоликлар асосида ташкил этилади.

Куида мижоз-сервер ва Cloud Computing технологиялари ва Library 2.0 концепцияси асосида ташкил этилган Ўзбекистоннинг олий ўқув юртларининг корпоратив тармоғини ташкил этиш борасидаги тадқиқот ва ишланмаларнинг натижалари келтирилган. Тизимнинг технологик асоси бўлиб ARMAT-1.13 дастурий комплекси ва «Электрон таълим» Давлат дастурининг телекоммуникация тармоғи ҳисобланади. Дастурий комплекс юксак технологик ечимларни қўллаган холда тармоқни амалга ошириш самарадорлигини оширди.

Library 2.0 ва Cloud Computing концепцияларида келтирилган тамойиллар ўхшаш бўлиб, ахборот-кутубхона муҳитидаги талабларга келтирилади:

- Шахсга қаратилганлиги;
- интеграцияланган ахборот ресурслари, шунингдек, шахсий ресурсларини шакллантиришда фойдаланувчи фаоллигини ошириш;
- фойдаланувчининг виртуал шахсий кабинетини шакллантириш;
- ҳамкорликдаги форумлар ташкил этиш ва ўтказиш – «китобхон-кутубхоначи» ёки, янада кенгроқ - «китобхон - кутубхоначи-ахборот ресурсларни шакллантирувчи»;
- электрон каталог имкониятларини кенгайтириш, тўлиқ матнли электрон ресурслардан жамоавий фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш;

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

- ахборот хизматларини олишда ўз ўзига хизмат кўрсатиш усул ва воситаларини ривожлантириш;
- корпоратив тармоқда технологик ва ахборот ресурсларидан максимал даражада иқтисодий фойдаланиш.

Cloud Computing технологиясидан ахборот-кутубхона тармоқларида фойдаланиш тармоқ бошқарувини амалга ошириш, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишида сезиларли даражада самарадорликни оширади. ОЎЮ корпоратив кутубхона тармоғининг ахборот муҳити бош серверда шакллантирилади. (жадвал 1).

жадвал 1

General Server мұхитидаги консорциумга аъзо кутубхоналарнинг шахсий кабинетлари	
General Serverдаги корпоратив ахборот ресурсларнинг бош маълумот базаси	1
Корпоратив тармоқ ва маълумот базалари статистикаси (сўровлар, сўровлар категорияси, бажарилган хизматлар, фойдаланилган адабиётлар)	i- кутубхона статистика (сўровлар, сўровлар категорияси, бажарилган хизматлар, фойдаланилган адабиётлар)
Йиғма электрон каталог	i- кутубхона электрон каталоги
Корпоратив тармоқнинг тўлиқ матнли манбалари (умумий манбалар)	1 Кутубхонада шакллантирилган тўлиқматнли маълумот базалари
Манбаларга хаволалар	Кутубхона фойдаланувчилари хақида маълумотлар
Фойдаланувчилар хақида маълумот	Кутубхона ID – password

1.2. Кўриб ўтилаётган ОЎЮ корпоратив тармоғида, маълумот базаларини бошқаруви (администрирование) марказлашган ҳолда амалга оширилади. Библиографик ёзувлар сифати юқори малакали мутахассислар

томонидан текширилади. Маълумот базаларини янги ресурслар билан тўлдирилиши Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (ОЎМТВ) томонидан дарслик, ўқув қўлланмаларни рақамлаштириш ва электрон каталогглаштиришга ажратилган молиявий маблағлар билан қўллаб кувватлаши остида амалга оширилади.

Йиғма электрон каталог MARC21 коммуникатив формати асосида шакллантирилади. Турли коммуникатив форматлар асосида фаолият юритувчи АҚМлари ISO 2709 стандарти ва конвертордан фойдаланишлари мумкин. UNIMARC формати асосида ташкил этилган АҚМларига эса библиографик ёзувларни MARC21 форматига конвертация қилишга ёрдам берилади.

ОЎЮ Ахборот-ресурс марказларининг (АРМ) корпоратив тармоғи мижоз-сервер моделига асосланади.

Бу модель куйидаги хусусиятларига асосан характерланади:

- Кучайтирилган характеристикага эга сервер йиғма электрон каталогни (ЙЭК), ОЎЮ электрон каталогларини ва тўлиқ матнли маълумот базаларини шакллантириш учун ўрнатилади;
- АКТ бош серверда ўрнатилади. АРМлар эҳтиёж туғилганда бош сервердаги маълумотларни ўзларининг серверларига юклаб олишлари мумкин;
- Маълумот базалари бошқаруви (администрирование) марақазлашган холда амалга оширилади. Администраторлар ахборот хавфсизлигини назорат қиласидар, вируслар хужуми, ЙЭКдаги маълумотларни такрорий акс эттирилишидан ҳимоя қиласидар;
- Ҳар бир АРМ ўзи мустақил равишда ўзининг электрон каталогини шакллантириши, ёки бошқа АРМ ходимлари томонидан киритилган, йиғма электрон каталог марказидан (ЙЭКМ) библиографик ёзувларни алмасишилари мумкин;
- Юкори тезликдаги Интернет, Интранет талаб этилади, чунки, маълумот базасига мурожат этувчилар хажми кўпчиликни ташкил этади;
- Марказий бош серверда ҳар бир АРМ учун дискли ахборот муҳити ташкил этилади.

### **Ахборот тармоқларида ахборот ҳимоясининг бир нечта даражаси назарда тутилган:**

- Ахборот ресурсларини рухсатсиз таҳрирлаш, тўлдириш, ўчиришдан ҳимоя қилиш (фойдаланувчининг логин и паролини текшириш, рамзларни текшириш, рамзларни генерациялаш ва комбинациялаш орқали логин ва паролларни топишга уриниш (хакерлик уринишлари);
- SQL Injectionдан ҳимоялаш;
- Бош сервер маълумот базаларини ҳимоялаш.

Библиографик ёзувлар алмашинуvida ISO 2709 стандарти қўлланилади. Ҳар бир кутубхона бош серверда фойдаланувчилар ҳақида, фойдаланувчиларни ресурслардан фойдаланиши борасидаги статистик маълумотларнинг базасини тузишлари, электрон ресурслари асосида ўзларининг ахборот мухитини ташкил этишлари мумкин. Шунингдек, фойдаланувчиларнинг ва корпоратив ресурсларнинг шахсий кабинетларини шакллантириш имконияти мавжуд (жадвал 2). Бу фойдаланувчиларга бош сервердаги дискли мухит ёрдамида адабиётлардан фойдаланишнинг статистик ҳисобини юритиш, ўзининг индивидуал электрон кутубхонасини яратишга имкон беради.

жадвал 2

Фойдаланувчиниг шахсий кабинети		
шахсий электрон кутубхона		
Фойдали ҳаволалар ва фойдаланувчининг электрон каталоги	Шахсий фойдаланиш учун импорт қилинган ахборот ресурслари	Фойдаланувчи томонидан шакллантирилган ахборот ресурслари
Фойдаланувчи ID – password		

1.3. Ўзбекистон АРМ корпоратив тармоғида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу технологияларни қўллаш қўйидаги афзалликларга эга:

- Кутубхона маълумотларини қайта ишлашда юқори даражадаги тезлик;
- АРМдаги шахсий компьютерларга бўлган техник талаблар ва фойдаланувчилар учун техник талабларни пасайиши;
- мослашувчанлиги;
- самарадорлиги: дастурний таъминот учун учун қўшимча маблағ ажратилмайди, фойдаланувчилар учун маълумот базаларига онлайн эга бўлиш имкони яратилиб, компьютер хотираси тежалади (маълумотлар ва дастурлар масоғавий серверларда сақланади).

Технологик масалаларни ечиш ташкилий масалаларни ечишдан кўра осонроқ экани аниқланди. Ташкилий масалаларга қўйидаги вазифалар киради:

- Ахборот-ресурс марказлари ходимларига автоматлаштирилган тизимлар ва корпоратив тармоқда ишлаш бўйича таълим бериш;
- Корпоратив тармоқда иш жараёнини бошқариш;
- Тармоқни муваффақиятли ишлаши учун ижрочилар орасидаги вазифаларни тўғри тақсимланиши;
- Ресурслардан фойдаланишда муаллифлик хукуқи масалаларини ҳал қилиш.

Тажриба шуни кўрсатадики, ташкилий масалаларни самарали ҳал этиш лойихани амалга ошириш самарадорлигини сезиларли даражада оширади.

Ташкилий масалаларни ечишда тўлиқ матнли электрон ресурслардан фойдаланишни таъминлаш, ҳамда электрон нашрларга оид муаллифлик хукуқларига риоя қилиш масалалари мухим ўрин тутади.

ARMAT тизимида учта иш тартиби назарда тутилган:

1. Ахборот манбадан эркин фойдаланиш. Муаллиф ёки манба эгаси томонидан мазкур манбадан очик фойдаланишга имкон яратиш.
2. Рўйхатдан ўтгач фойдаланиш имкони. Муаллиф ёки манба эгаси томонидан дастлабки рўйхатдан ўтгач, мазкур манбадан фойдаланишга имкон яратиш.
3. Пуллик фойдаланиш. Ахборот манба ресурснинг тўлови амалга оширилгач тақдим этилади.

Юқорида келтирилган масалаларни тўлиқ ҳал этилиши АРМ корпоратив тармоғини самарали ишлашига имкон яратади.

Бу модель қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

- Кучли характеристикаларга эга сервер йиғма электрон каталогни (ЙЭК), таълим муассасалари АРМлари электрон каталоглари ва тўлиқ матнли маълумот базаларини сақлаш учун ўрнатилади;
- Автоматлаштирилган кутубхона тизими фақат бош серверда ўрнатилади. Заруриятга кўра АРМлар маълумотларни бош сервердан ўзларининг серверларига юклаб олишлари мумкин;
- Маълумот базаларини бошқариш марказлашган ҳолда амалга оширилади. Тармоқ бошқарувчилари (администратор) ахборот хавфсизлигини, вируслар хуружи, ЙЭК да маълумотларни такрорланишини ва бошқ. назорат қиладилар;
- Ҳар бир АРМ мустақил равишда ўзининг мутахассислари томонидан тузилган, шунингдек, бошқа АРМ ёки йиғма электрон каталог марказидан (ЙЭКМ) олиб, электрон каталогларини ташкил этиши, юргизиши мумкин;
- Интернет, Интранетнинг юқори тезлиги талаб этилади, чунки, маълумот базаларига бўлган мурожаатлар сони жуда катта бўлади.
- Бош серверда ҳар бир АРМ учун ахборот учун хотира мұхити ажратилади.

Тармоқ самарадорлиги кўрсаткичлари қуйидагилар:

- Фойдаланувчиларни ахборот ресурсларига эркин эга бўлишни таъминлаш.
- Олий таълим муассасалари АРМ ва ахборот кутубхона муассасалари корпоратив тармоғининг ЙЭК орқали қандай ахборот ресурслари қайси кутубхоналарда мавжуд, улардан фойдаланиш бўйича шароитларнинг мавжудлиги хақида ахборот олиш мумкин.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

- Кутубхоналарда электрон каталоглаширишда тақорланишларни қисқартиради. Электрон библиографик ёзувларни қайта тақорламай, яратилганларини тармоқ орқали олиш мумкин.
- Ахборот-кутубхона хизматларини кенг кўламда таъминлаш. Бу ахборот ресурсларига масофадан туриб тўлиқ матнли маълумот базаларидан фойдаланишга имкон яратиш, хужжатларни етказиб бериш, маълумот базаларини статистикасини юритиш кабилар.
- Барча билим соҳаларига оид библиографик ахборотни етказиб бериш сифатини ва тезкорлигини ошириш. Библиографик ахборот сифати жиддий яхшиланади, чунки, ёзувлар базасига маълумот киритиш марказлашган ҳолда юқори малакали мутахассислар томонидан тақоријий текширувлар натижасида амалга оширилади.
- Ахборотни қаерда жойлашганидан қатъи назар фойдаланиш учун имкон яратиш тамоилини амалга оширади. ЙЭК маълумот базалари Консорцумнинг барча аъзолари учун очик бўлиб, ҳар бир иштирокчи қаерда жойлашганидан қатъи назар улардан фойдаланиш хуқуқига эга.
- Ахборот ресурларига руҳсатсиз кириш борасидаги ҳавфсизликни таъминлаш. ЙЭК маълумотлар базасини бошқариш марказлашган ҳолда юқори малакали маълумот базалари ва тармоқ администраторлари томонидан бошқарилади. Бу орқали ёзувларни ҳимоялаш, ўчиб кетишини олдини олиш, руҳсатсиз киришлардан сақланади.

## **Назорат саволлари:**

1. «Ахборот ресурслари» нима?
2. Ахборот ресурсларни ахборот кутубхона ресурсларидан фарқини тушунтиринг.
3. «Жаҳон ахборот ресурслари» тушунчаси нималарни ўз ичига олади?
4. «Маълумот базалари» нима?
5. Илмий ишларни рецензиялаш нима?
6. Электрон илмий-таълимий ресурслар ноширларининг асосий функциялари нима?
7. Маълумотлар базасини оддий йифма ёки маълумотлар массивидан фарқи?

## **2- мавзу. “Муаллифлик хуқуқи” Ўзбекистон Республикаси қонуни. Жаҳон электрон ахборот ресурсларига кириш шароитлари ва хуқуқий шартлари.**

- a. Илмий-таълимий электрон ресурсларни хуқуқий химояси. “Муаллифлик хуқуқи” ЎзР қонуни. Лицензия келишуви. Жаҳон электрон ахборот ресурсларига кириш шароитлари ва хуқуқий шартлари.
- b. Кутубхоналар консорциуми. eIFL халқаро консорциуми. Махсади ва дастурлари. “Очик ахборот ресурлар” дастури. Ахборот электрон ресурсларни кутубхона консорциумида ишлатиш.
- c. EBSCO PUBLISHING, ProQuest Springer, Emerald, IVIS, eIFL халқаро консорциуми мақсад ва дастури. Ўзбекистонда халқаро электрон ахборот ресурслари.

2.1. “Муаллифлик хуқуқи (MX)” тушунчасининг ўзи XVIII асрнинг бошидаёқ пайдо бўлган. Ушбу хуқуқнинг асосий мақсади – инсоннинг интеллектуал фаолиятини ҳимоя қилиш ва тақдирлаш ҳисобланади. Электрон ресурсларни хуқуқий ҳимоялаш нафақат обуна бўлиш ва жаҳон маълумот базаларидан фойдаланишга имкон яратишида, балки локал ва корпоратив тармоқда ўз рақамли кутубхоналарини шакллантиришида ҳам муҳим жиҳатлардан бири бўлиб ҳисобланади. «Муаллифлик хуқуқи (MX)» тушунчаси 1709 йилдан бери ривожланиб келмоқда. Бу хуқуқнинг асосий мақсади – инсоннинг интеллектуал фаолиятини ҳимоялаш ва рағбатлантиришдан иборат /1,12,14/.

MX термини икки хил мазмунга эга:

- Ўзининг ишини такрорлаш ёки оммавий тақдим этиш мумкинлиги тўғрисидаги қарорни қабул қилиш муаллифнинг шахсий хуқуқи;

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

- Муаллифнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш юридик тизими, моддий ҳукуқий тизимнинг бир қисми.

МҲ (Муаллифлик ҳукуқи) асарларга ўзининг умумий қаттиқ талабларини қўяди:

- Муаллиф ўз ишига маънавий ҳукуқга эга;
- Ҳеч ким муаллифнинг рухсатисиз уни ўзгартириш ёки муаллифнинг фамилиясини кўрсатмасдан фойдаланиш ҳукуқига эга эмас;
- Муаллиф бажарган иши учун мукофот олиш ҳукуқига ҳам эга;
- продюсер/нашириётчи ҳам кўпчилик ҳолларда қўшган хиссаси учун мукофот олиши керак.

Барча ҳолатларда ҳам ушбу қаттиқ талаблар қўйиладими? Ҳар доим ҳам муаллифлик ҳукуқи қаттиқ талабларига амал қилиш зарурми? Агар шу масалани чуқурроқ таҳлил қилиб чиқилса, умумий қаттиқ қоидалардан қатор четланишларни кўрсатиш мумкин. Бу асосан МҲ учун маълум чегирмалар нима мақсадда берилишига тааллуқлидир: таълим мақсадларидалими? Маданиятни ривожлантириш мақсадларидалими? Ижтимоий мақсадлардами?

Кутубхона – бу ахборот ресурсларидан фойдаланиш фаоллиги энг кўп кузатиладиган соҳа бўлганлиги учун айнан кутубхона ходимлари қандайдир алоҳида шартларни ҳисобга олиб ахборот ресурсларидан фойдаланиш чекланишлари ҳамда имкониятлари доирасини ўрганишлари зарур.

Кутубхоналар энди китоб, кассета, дисклар каби физик объектларга эга бўлишлари, балки Интернет тармоғидан ва бошқа рақамли ахборот ресурсларидан (электрон журналлар, маълумот базалари ва шу кабилар) эркин фойдаланиш ҳукуқига эга бўлмоқдалар.

Кутубхоначиларда янги ташвишлар ва вазифалар пайдо бўлмоқда:

- электрон ресурслардан фойдаланиш тартиби тўғрисида лицензияли келишувларни тузиш.
- Улар кутубхона фондини бир қисми сифатида тармоқ хужжатларини танлаб олиш, баҳолаш ва солиштиришни ўрганиб олишлари керак.
- Шартнома ва шартнома ҳукукини ўқиш учун қўшимча билим ва кўникмалар олишлари ҳамда музокаралар олиб бориш кўникмаларини эгаллашлари керак.

МҲ га амал қилиш илмий, илмий-оммабоп, бадиий ва бошқа асрларни рағбатлантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Ўз асарларини кутубхоналарда эълон қилиш ва тақдим этишга ижодий шахсларни жалб қилиш учун самарали рағбатлантириш механизmlарини топиш зарур. Ривожланган чет давлатлари тадқиқотлари нима учун муаллифлар кутубхоналарда эркин фойдаланиш учун ўз асарларини тақдим эта олишларининг муҳим сабабларидан бири бу – муаллифнинг мақолалари ёки китобидан фойдаланиш кўрсаткичларининг анча ўсиши эканлигини кўрсатади. Мана

шунинг ҳисобига унинг асарларига ўқувчиларнинг қизиқишлари ва талаб даражаси бир неча бор ортади.

Аммо, ҳар қандай ҳолатда ҳам кутубхона муаллиф билан лицензияли келишув тузиши лозим. Келишув тузишнинг қандайдир қатъий стандартлари мавжуд эмас, аммо муаллиф билан имзоланишида амал қилиниши керак бўлган томонлари бор. Бу томонлари нималардан иборат?

Одатда лицензияли келишувларда қўйидаги тушунчаларга кирувчи моддалари бўлади:

- Келишув томони;
- Декларатив қисми;
- Келишув изоҳлари;
- Аниқлик киритиш;
- Қонунни танлаш;
- Шартноманинг асосий қисми;
- Ушуб лицензия томонидан бериладиган хуқук;
- Қўллаш чекланишлари;
- Амал қилиш муддати ва тугаши санаси;
- Етказиб бериш усули ва лицензиялаштирилган материаллардан фойдаланиш;
- Лицензион тўлов;
- Лицензия эгасининг (кутубхонанинг) харакатлари;
- Бажариш ва баҳолаш;
- кафолотлари, мажбуриятлар, зарарни ўрнини тўлдириш;
- Форс-мажор;
- Хуқуқини сотиш(бериш);
- Хабардор қилиш;
- келишмовчиликларни ҳал қилиш;
- қўшимча ҳужжатлар;
- имзолар.

Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида бўлгани каби Ўзбекистонда муаллифлик хукуклари «Муаллифлик хукуки ва турдош хукуклар тўғрисидаги» (21.07.2006 йил) Қонун билан белгиланади. Афсуски электрон нашрлар билан боғлиқ пунктларни ҳисобга олиш мумкин бўлган моддалари ёки алоҳида қонун ҳали йўқ, аммо ҳозирги пайтда асарлардан кутубхоналарда фойдаланишда МҲни ҳимоя қилиш учун ушбу Қонуннинг қатор моддаларидан фойдаланишимиз мумкин. Электрон ресурслардан нусха олиш, шакллантириш, ёзма ҳамда электрон шаклларини тарқатишда кутубхоналар амал қилишлари мумкин бўлган Қонуннинг энг муҳим моддаларини кўриб чиқамиз.

4-моддага биноан «МҲ қўйидагиларга тааллуқли: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобланган ёки Ўзбекистон Республикасида доимий турар жойига эга бўлган муаллифлар асарлари ёки бошқа МҲнинг

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

дастлабки эгаларига; муаллифларнинг фуқаролиги ва доимий турар жойидан қатъий назар биринчи бор Ўзбекистон Республикасида эълон қилинган асарларга; Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига биноан Ўзбекистон Республикасида қўриқланадиган асарларга».

Муаллифлик хуқуқи (МХ) адабиёт асарларига ҳам тааллукли (5-модда). Электрон ресурсларни, электрон маълумотлар базаларини, электрон кутубхоналарни яратишда биз кимнингдир асаридан фойдаланадиган бўлсак ушбу моддага амал қилишимиз керак бўлади.

МХ бирор бир объектив шаклда бўлган, эълон қилинган ҳамда эълон қилинмаган асарларга ҳам тааллукли: ёзма (қўлёзма, машинада терилган, нота ёзуви ва шу кабилар); овозли ёки видео (механик, магнитли, рақамли, оптик ва шу каби); тасвир (расм, эскиз, картина, план, чизма, кино-, теле-, видео- ёки фотокадр ва шу кабилар); бошқа форматлардаги.

6-Моддага биноан қўйидагилар муаллифлик хуқуқи ҳисобланади:

- адабий асарлар (адабий-бадиий, илмий, ўқув, публицистик ва бошқалар);
- драма ва сценарий асарлари;
- матнли ёки матнсиз мусиқа асарлари;
- мусиқали драма асарлари;
- аудиовизуал асарлар;
- фотосурат асарлари ва фотосуратга ўхшаш усул билан олинган асарлар;
- географик, геологик ва бошқа хариталар, планлар, эскизлар, географияга, топографияга ҳамда бошқа фанларга тааллукли асарлар.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, агар дарсликлар, илмий мақолалар, китоблар ва ҳ.к.ларни рақамли турига айлантирмоқчи бўлсангиз ушбу асарлардан ихтиёрий фойдаланиш, кўпайтириш бўйича Қонун қўядиган чекланишларни ҳисобга олиш лозим.

7-моддага биноан асарларнинг бир қисми, асарнинг хосиласи ва таркибий қисмлари ҳам муаллифлик хуқуқи обьектлари ҳисобланишини эсда тутиш зарур. Бунга қўйидагилар киради: мустақил фойдаланилиши мумкин бўлган асарнинг маълум бир қисмлари (шу жумладан унинг номи); асарнинг хосилалари (таржималар, ишланма асарлар, аннотациялар, рефератлар, мухтасар холосалар, шарҳлар, инсценировкалар, аранжировкалар, соддалаштиришлар ҳамда фан, адабиёт ва санъат асарларининг бошқа қайта ишланмалари); тўпламлар (энциклопедиялар, антологиялар, маълумотлар базалари) ва материалларнинг танлаб олиниши ёки жойлаштирилганлигига кўра ижодий меҳнат натижаси бўлган бошқа жамлама асарлар муаллифлик хуқуқи обьектлари ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, электрон тўлиқ матнли маълумотлар базасини, мультимедиали маълумотлар базасини яратишда кимнинг асарларидан, қай даражада (тўлалигича ёки қисман, матнли ёки мультимедиали шаклда) фойдаланилаётганлиги ҳисобга олиниши керак.

Расмий хужжатлар (қонунлар, қарорлар ва шу кабилар) ҳамда уларнинг таржималари муаллифлик ҳуқуки обьектлари ҳисобланмайдилар; расмий белгилар ва рамзлар (байроқлар, герблар, орденлар, пул белгилар ва шу кабилар); одатий оммавий ахборот хусусиятига эга қун янгиликлари тўғрисидаги ёки қундалик ҳодисалар тўғрисидаги хабарлар. Ушбу хужжатлар, agar очик матбуотда эълон қилинган ёки жамоатчилик хабардор бўлса хеч бир маҳсус рухсатларсиз ва келишувларсиз электрон маълумотлар базасига киритилиши мумкин.

Ким асарнинг муаллифи ҳисобланади? Муаллифлик ҳуқуки барча қоидаларига амал қилиш учун кимга мурожаат этиш керак? Асарнинг асл нусҳаси ёки нусҳасида муаллиф сифатида кўрсатилган шахс муаллиф ҳисобланади (10-модда).

Асар имзосиз ёки таҳаллус остида чоп этилган тақдирда (муаллифнинг таҳаллуси унинг ким эканлигига шубҳа қолдирмайдиган ҳоллар бундан мустасно), асарни чоп этган, асарда исми-шарифи ёки номи кўрсатилган ношир, agar бошқа далиллар бўлмаса, муаллифнинг вакили ҳисобланади ҳамда муаллифнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш ҳуқуқига эгадир. Бу қоида бундай асар муаллифи ўз шахсини ошкор этгунига ва ўзининг муаллиф эканлигини маълум қилгунига қадар амалда бўлади.

Аммо асар бир неча муаллифлар томонидан ёзилган бўлиши мумкин. Хамкорликдаги асарга МҲ шундай асар ажралмас яхлитни ташкил қиласидими ёки ҳар бири мустақил аҳамиятга эга қисмлардан ташкил топадими, бундан қатъи назар хамкорликда хаммуаллифларга тегишли бўлади. Шу билан бир вақтда муаллифлар ўртасида қандайдир расмий келишувлар бўлмаса хаммуаллифлардан ҳар бири мустақил аҳамиятга эга бўлган ўзи яратган асарнинг бир қисмидан фойдаланиш ҳуқуқига эга (12-модда).

Кўпинча қандайдир асарлар қайта ишланади. Бу ҳолат одатда илмий асарлар, китоблар билан кузатилади. Улар асосида бошқа муаллифлар тўлдиришлар ва қўшимчалар билан ўз асарларини яратадилар. Яъни, умуман олганда янги асар пайдо бўлади. Агарда яратилаётган электрон ресурсда бошқа муаллифларнинг асарларидан фойдаланилган бўлса, моҳияти бўйича асарнинг ҳосиласи ҳисобланади.

Хосила асарнинг муаллифи қайта ишланган асарнинг муаллифи ҳуқуқларига амал қилиш шарти билан ўзи яратган асарга бўлган МҲ дан фойдаланади. Булар дастлабки муаллифга илова ёки қандайдир келишувлар бўлиши керак. Хосила асарнинг муаллифи МҲ қайта ишлашга асос бўлган асарни бошқа шахслар томонидан қайта ишлашларига тўсиқ бўлмайди.

Муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усул билан фойдаланиш ҳуқуқига эга (19-модда). Яъни ўз асарларини рақамлаштиришга, маълумотлар базасида саклашга, Интернет орқали тарқатиш учун бериш ёки бермаслигини ўзи ҳал қилиши ҳуқуқига эга.

Асардан фойдаланишга муаллифнинг фавқулотда ҳуқуки қўйидаги харакатларни амалга ошириш ёки рухсат бериш ҳуқуқини англатади:

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

- асарнинг асл нусҳасини ёки нусҳаларини сотиш ёки бошқа хусусийликлик хуқуқини (тарқатиш хуқуқини) бериш билан тарқатиш. Мисол учун, муаллиф асарнинг рақамлаштирилган шаклини фақатгина ушбу кутубхонанинг локал маълумотлар базасида сақланиши мумкинлиги шарти билан ўз асарини кутубхонага бериши мумкин;
- асарни ўзгартириш, безаш ёки бошқа усул билан қайта ишлаш (қайта ишлаш хуқуқи);
- Муаллиф асаридан ҳар бир фойдаланиш тури учун мукофот олиш хуқуқига эга (мукофот олиш хуқуқи).

Асадан даромад олиш мақсадида фойдаланилганми ёки ундан фойдаланишда буни қўзланмаганми, бундан қатъий назар, у фойдаланилган ҳисобланади. Ўз ўқувчиларига бепул тақдим этиш учун асарни рақамлаштирган, аммо буни муаллиф билан келишмаган кутубхоналар, АРМлар ҳам МҲни бузган ҳисобланадилар.

«Қайси асарлардан муаллифнинг рухсатисиз фойдаланишимиз мумкин?», «Муаллиф оламдан ўтган бўлса нима қилиш керак?», «Қадимий қўллэзмалар, нодир асарларни нима қилиш мумкин?», «Улар кимнинг мулки?», «Уларни ортиқча қоғозбозликсиз рақамлаштириш мумкинми?» деган саволлар жуда муҳим.

Асар муаллифининг ёки бошқа хуқуқ эгаси розилигисиз ва мукофот тўламасдан кутубхоналар эркин фойдаланиладиган асарлар нусхаларини фақатгина вактинчалик фойдаланишга тақдим этишлари мумкин. Бунда муаллифлик хуқуқи обьектлари бўлган, рақами шаклда ифодаланган асарларнинг нусхалари, шу жумладан кутубхона ресурсларидан ўзаро фойдаланиш тартибида бериладиган асарларнинг нусхалари, бу асарларнинг рақами шаклдаги кўчирма нусхаларини яратиш имкониятини истисно этиш шарти билан фақат кутубхоналарнинг биноси ичида вактинчалик фойдаланишга берилиши мумкин.(26-модда)

Асадан муаллифнинг исми-шарифи, олинган манбасини албатта кўрсатган ҳолда ҳамда асадан нормал фойдаланилишига заар етказмаслик ва муаллифнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслик шарти билан қўйидаги тарзда эркин фойдаланишга йўл қўйилади:

Даромад олишни қўзламаган ҳолда, муаллифнинг ёки бошқа хуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда, лекин асаридан фойдаланилаётган муаллифнинг исми-шарифини ва олинган манбайнин албатта кўрсатган тарзда бир нусхада репрографик тақорглашга йўл қўйилади (27-модда):

- кутубхоналар ва архивлар томонидан - асарнинг йўқолган ёки яроқсиз бўлиб қолган нусхаларини тиклаш, алмаштириш учун, шунингдек ўз фондларидан бу асарларни бирон сабаб билан йўқотган бошқа кутубхоналар ва архивларга асарларнинг нусхаларини бериш учун чоп этилган асарни;

- кутубхоналар ва архивлар томонидан фуқароларнинг ўкув ва тадқиқот мақсадларидағи сўровлари бўйича, шунингдек таълим муассасалари томонидан аудитория машғулотлари учун тўпламларда, газеталар ва бошқа даврий нашрларда чоп этилган айrim мақолалар ва кичик ҳажмли асарларни, чоп этилган ёзма асарлардан (суратли ёки суратсиз) қисқа парчаларни бир нусхада.

Кутубхона ўз ўқувчилари учун мана шундай ихтисослаштирилган электрон кутубхоналарни яратиши мумкин.

Қонун дастурли маҳсулотлар ва маълумотлар базалари эгалари ва фойдаланишга МҲ ни ҳам қамраб олади. ЭҲМ учун дастурнинг ёки маълумотлар базасининг нусхасига қонуний эга бўлган шахснинг кейинчалик шахсий фойдаланиш мақсадида ЭҲМ учун дастурни ёки маълумотлар базасини эркин такрорлашга ва соддалаштиришга бўлган хуқуки қонун билан белгиланади. (32-модда).

Муаллифлик хуқуки муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва унинг вафотидан кейин эллик йил давомида амал қиласди (35-модда). Ҳаммуаллифликда яратилган асарга бўлган муаллифлик хуқуки ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти давомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узоқ умр кўрган охирги шахс вафот этганидан кейин эллик йил давомида амал қиласди. Агар асарнинг муаллифи ва ҳаммуаллифлари эллик йил илгари вафот этган бўлсалар кутубхона хеч бир маҳсус рухсатларсиз электрон ресурслар яратиши ва уларни локал тармоқда, Интернетда ҳамда сотиш учун тақдим этиши мумкин.

Муаллифнинг вафотидан кейин биринчи марта эълон қилинган асарга бўлган муаллифлик хуқуки асар эълон қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қиласди. Яъни кутубхонада сақланадиган қадимий қўлёзмалар қўшимча рухсатларсиз рақамлаштирилиши мумкин.

Муаллифнинг мулкий хуқуқлари мерос бўйича ўтади. (36-модда).

Муаллифнинг шахсий номулкий хуқуқлари мерос бўйича ўтмайди. Муаллифнинг меросхўрлари кўрсатилган хуқуқларни химоя қилишга ҳақлидир. Меросхўрларнинг ушбу хуқуқлари муддат билан чекланмайди. Асарларга бўлган муаллифлик хуқуқининг амал қилиш муддатининг тугashi уларнинг ижтимоий мулкка айланишини билдиради.(37- модда).

Мулкий хуқуқлар фақат муаллифлик шартномасини тузиш йўли билан хуқуқ эгаси томонидан бошқа шахсга ўтказилиши мумкин (38-модда).

Муаллифнинг мулкий хуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш мутлақ хуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида ёки мутлақ бўлмаган хуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида амалга оширилиши мумкин.

Муаллифлик шартномаси (ёки лицензия келишуви)да қуйидагиларни назарда тутиш керак:

- асардан фойдаланиш усуллари (мазкур шартнома асосида ўтказиладиган аниқ хуқуқлар);

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

- асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун тўланадиган ҳақ миқдори ва (ёки) тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тартиби, уни тўлаш тартиби ҳамда муддатлари (39-модда).

Мисол учун муаллиф ўз асарининг электрон шаклидан фақатгина ушбу кутубхона доирасида (компьютерли ўқув залида) ва унинг ўқувчилари учун нусха олиш ҳукуқисиз фойдаланишга рухсат бериши мумкин. У электрон версиясини сотища фоизларни талаб қилиши ёки хеч қандай чекланишларсиз кутубхонага ундан фойдаланишда тўла эркинлик бериши мумкин. Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳукуки қанча муддатга ўтказилиши тўғрисида шарт белгиланмаган тақдирда, шартнома тузилган санадан бошлаб беш йил ўтганидан кейин, агар фойдаланувчи шартномани бекор қилингунига қадар камидан олти ой олдин бу ҳақда ёзма равишда огоҳлантирилган бўлса, шартнома муаллиф томонидан бекор қилиниши мумкин.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳукуки амал қиласидан ҳудуд доираси тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартномага биноан бошқа шахсга ўтказилаётган ҳукуқнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудуди билан чекланади. Бошқа шахсга ўтказилиши муаллифлик шартномасида бевосита назарда тутилмаган асардан фойдаланиш ҳукуқлари бошқа шахсга ўтказилмаган деб ҳисобланади.

Тўланадиган ҳақ муаллифлик шартномасида асардан фойдаланишнинг тегишли усули учун олинадиган даромаддан фоиз тарзида белгиланади ёки агар буни асарнинг хусусияти ёки ундан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш мумкин бўлмаса, шартномада қайд этилган сумма тарзида ёхуд бошқача тарзда белгиланади.

Шартномада, масалан, асарни онлайн фойдаланиш учун пуллик тақдим этилганда фойданинг маълум қисмини тўлаш каби мукофот турни кўзда тутилиши мумкин. Бундай ҳолатларда манбага неча бор мурожаат этилганлиги, асардан неча бор нусха олинганлиги қатъий қайд этилиши керак.

Асар муаллифлари, ижрочилари ёки бошқа ҳукуқ эгалари ўз мулкий ҳукуқларини амалга ошириш мақсадида ўз мулкий ҳукуқларини жамоавий асосда бошқарадиган ташкилотлар тузишга ҳақлидир (56-60-моддалар).

2.2. Кутубхона консорциуми шундай ташкилот бўлиши мумкин. Консорциум, нотижорат ташкилот сифатида муаллиф билан асарнинг электрон шаклидан ва кутубхона – консорциум аъзолари доирасида фойдаланишга эксклюзив ҳукуқга шартнома тузиши мумкин. Бу ҳолат консорциумга бирлашган кутубхоналарга ҳар бири алоҳида шартнома тузган ҳолатларга қараганда маблагни анча тежашга, муаллифга эса муносиб мукофот олишига имкон беради. Консорциум кутубхоналари кутубхоналардан бирига муаллифлар билан музокаралар олиб бориш ва консорциум номидан шартномалар имзолаш ваколатини беришлари мумкин.

Мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларнинг фаолиятига нисбатан монополияга қарши қаратилган қонун хужжатларида назарда тутилган чеклашлар қўлланилмайди.

Консорциум ўзи қайси ҳуқуқ эгаларининг номидан иш кўраётган бўлса, шу ҳуқуқ эгаларининг номидан ва улардан олинган ваколатлар асосида қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади (58-модда):

- мукофот миқдорини ва шартномаларнинг тузилишига доир бошқа шартларни фойдаланувчилар билан келишиб олиш;
- консорциум бошқараётган ҳуқуқлардан фойдаланиш учун фойдаланувчилар билан шартномалар тузиш;
- ташкилот тўланадиган ҳақни йиғиш билан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда шартнома тузмасдан шуғулланган тақдирда, бундай ҳақ миқдорини фойдаланувчилар билан келишиб олиш;
- шартномаларда назарда тутилган ҳақни йиғиш, тақсимлаш ва тўлаш;
- бундай ташкилот ўзи бошқараётган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун зарур бўладиган ҳар қандай юридик ҳаракатларни бажариш;
- шундай ташкилот томонидан белгиланган тартибда асарларни ва (ёки) турдош ҳуқуқлар обьектларини, шунингдек асарларга ва (ёки) турдош ҳуқуқлар обьектларига бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатга олишни ва (ёки) саклашга топширишни амалга ошириш.

Мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот ҳуқуқ эгалари билан тузилган шартномалар асосида ва қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин (62 Модда).

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузиш қуйидагилар бўлиши мумкин:

- муаллифларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш;
- ижрочининг исм-шарифга бўлган ва ижрони ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз қилинишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқларини бузиш;
- ҳуқуқ эгаси ёки мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан шартнома тузмасдан асарлар ёки турдош ҳуқуқлар обьектини тақорглаш, тарқатиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳақ тўлаш тўғрисидаги талабларни бузиш;
- асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар обьектларидан ҳуқуқ эгаси ёки мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан тузилган шартнома бўйича олинган ҳуқуқларни ошириб юборган ҳолда фойдаланиш;
- ҳуқуқ эгаларининг мулкий ҳуқуқларини бошқача тарзда бузиш муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузишdir.

Асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар обьектларининг тақорланиши ёки тарқатилиши муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузган ҳолда амалга ошириладиган нусхалари контрафакт нусхалардир. Ушбу Қонунга мувофиқ

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

муҳофаза қилинадиган асарларнинг ва турдош хуқуқлар обьектларининг бундай асарларни ва турдош хуқуқлар обьектларини муҳофаза қилиш тўхтатилган ёки ҳеч қачон муҳофаза қилинмаган давлатлардан хуқуқ эгаларининг розилигисиз импорт қилинадиган нусхалари ҳам контрафакт нусхалардир.

Электрон ресурсларни яратиш ва фойдаланишда муаллифлик хуқуқини ҳимоя қилиш бўйича муҳим томонларини қўрсатиш мумкин.

1. Анъанавий ва электрон кўринишида тақдим этилганда қўйидагилар муаллифлик хуқуқи обьектлари ҳисобланади:

- адабий асарлар (адабий-бадиий, илмий, ўкув, публицистик ва бошқа асарлар);
- драма ва сценарий асарлари;
- матнли ёки матнсиз мусиқа асарлари;
- мусиқали драма асарлари;
- хореография асарлари ва пантомималар;
- аудиовизуал асарлар;
- рангтасвир, ҳайкалтарошлиқ, графика, дизайн асарлари ва тасвирий санъатнинг бошқа асарлари;
- манзарали-амалий ва саҳна безаги санъати асарлари;
- фотография асарлари ва фотографияга ўхшаш усулларда яратилган асарлар;
- географик, геология хариталари ва бошқа хариталар, жўғрофия, топография ва бошқа фанларга тааллуқли тарҳлар, эскизлар ва асарлар.

2. Асарнинг асл нусхасида ёки нусхасида муаллиф сифатида қўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, асар муаллифи ҳисобланади. Электрон тўла матнли маълумотлар базасини ва мультимедиали маълумотлар базасини яратишида кимнинг асарларидан, қай даражада (тўлалигича ёки қисман, матнли ёки мультимедиали шаклда) фойдаланаётганлигимизни ҳисобга олиш керак.

3. Муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланиш мутлақ хуқуқига эга. Муаллиф кутубхонага ўз асарларини рақамлаштириш, маълумотлар базасида сақлаш, Интернет орқали тарқатиш учун рухсат бериши ёки рухсат бермаслиги мумкин.

4. Муаллиф ўз асаридан электрон кўринишида фойдаланганлиги учун мукофот олиш хуқуқига эга (мукофот олиш хуқуқи). Ушбу хуқуқ муаллиф ва кутубхона ўртасида маҳсус келишув билан белгиланади.

5. Муаллиф розилигисиз ва мукофотт тўлашсиз қўйидаги ҳолларда уларнинг асарларини электрон кутубхонага киритиш мумкин:

- эллик йил илгари вафот этган муаллифларнинг асарларидан кутубхона тўсиқларсиз фойдаланиши мумкин;
- кутубхонада сақланадиган қадимий қўлёзмалардан ҳеч бир қўшимча рухсатларсиз рақамли кўринишига келтирилиши мумкин. (27-модда).

6. Шунингдек, даромад олишни кўзламаган ҳолда, муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда, лекин асаридан фойдаланилаётган муаллифнинг исми-шарифини ва албатта репрографик асар олинган манбани кўрсатган тарзда кутубхоналар ва архивлар томонидан.

7. Асарнинг йўқолган ёки яроқсиз бўлиб қолган нусхаларини тиклаш, алмаштириш учун, шунингдек ўз фондларидан бу асарларни бирон сабаб билан йўқотган бошқа кутубхоналар ва архивларга асарларнинг нусхаларини бериш учун чоп этилган асарни;

8. Кутубхоналар ва архивлар томонидан фуқароларнинг ўқув ва тадқиқот мақсадларидағи сўровлари бўйича, шунингдек, таълим муассасалари томонидан аудитория машғулотлари учун тўпламларда, газеталар ва бошқа даврий нашрларда чоп этилган айrim мақолалар ва кичик ҳажмли асарларни, чоп этилган ёзма асарлардан (суратли ёки суратсиз) қисқа парчаларни бир нусхада такрорлашга йўл қўйилади.

Масалан, Бутундунё интеллектуал мулк эгалиги (WIPO) ташкилоти 1974 йил ташкил этилган бўлиб, ҳозирда Бирлашган Миллатлар ташкилоти органи сифатида интеллектуал мулк борасида иштирокчи мамлакатларга бўлган талабларни ўрнатади. Бу талаблар қуйидаги хужжатларда ўз аксини топади:

- 1996 йилги Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги шартнома (The WIPO Copyright Treaty 1996), Ижро ва Фонограммалар бўйича 1996 йилги шартнома ВОИС (The WIPO Performances and Phonograms Treaty 1996);
- ВОИС ва ВТО ўртасидаги 1995 йилги шартнома (the Agreement between WIPO and WTO 1995);
- Адабий ва бадиий асарларни ҳимояси бўйича Берн Конвенцияси 1971 йилги Париж акти (the Paris Act 1971),
- Ижрошилар, овоз ёзиш продюсерлари, эширттириш ташкилотларини ҳимоялаш халқаро конвенцияси (the International Convention for the Protection of Performers, Producers of Phonograms and Broadcasting Organisations) и
- 1961 йилги Рим конвенцияси (the Rome Convention 1961).

Халқаро Савдо ташкилотларга аъзо бўлиш истагини билдирган мамлакатлар (WTO) Шартномани ратификация қилишга мажбурлар Trade-Related Aspects of Intellectual Property Rights (TRIPs) - интеллектуал мулк ҳуқуқларини савдо жиҳатлари бўйича ўз миллий қонунчилик доирасида Шартномани қабул қилишлари лозим. Бу WTO га аъзо мамлакатдунё бозорига чиқиши учун муқобил бўлган муаллифлик ҳуқуқининг халқаро нормаларига қатъий амал қилишини англаради.

Кўпгина мамлакатларда муаллифлик ҳуқуқини асосий структурасини шакллантирувчи Берн конвенциясига 150 дан ортиқ мамлакатлар қўшилган. Берн конвенциясининг шартнома шартлари қонунчиликдаги энг сўнгги ўзгаришларни ҳисобга олади. Қонунчиликдаги энг сўнгги ўзгаришлар қуйидаги принциплар таъсири остида шакллантирилади:

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

1. Шартнома имзолаган ҳар бир мамлакат келиб чиқишидан қатъий назар барча асарларга бир хил ҳимояни амалга ошириши зарур.
2. Яратилган асарга ҳеч қандай расмиятчиликларсиз муаллифлик хуқуқининг мавжуд бўлиши
3. Муаллифлик хуқуқи ҳимоясининг минимал муддатларининг белгиланиши.
4. Барча мамлакатлар муалифлик хуқуқи ҳимоясига бирданига бир хил даражада амал қила олмасликлари тан олинади. Ривожланаётган мамлакатлар учун Берн конвенцияси талабларига бироз енгилликлар киритилган.
5. Муаллифларнинг асосий хукуқлари ёритилган.
6. Муаллифлик хуқуқи мамлакатнинг келиб чиқишига боғлиқ бўлмайди.
7. Барча истеснолар кутубхоналар учун: Берн конвенцияси доирасида юқоридаги хуқуқ ва мажбуриятларнинг истеснолари тариқасида миллий миқёсда қабул қилинади

Universal Copyright Convention - бу муаллифлик хуқуқи бўйича Халқаро конвенциядир. Унинг мақсади давлатларни Берн конвенциясини имзолашга жалб этиб, муаллифлик хуқуқи борасидаги европа концепцияси ва муллифлик хуқуқининг умумхуқуқий ғоялари ўртасидаги қатъий иқтисодий хукуқлар концепциясига асосланган узилишларни қисқартиради.

Ҳисоблаш ва оргтехникаларнинг замонавий воситалари АРМларда хужжатларни кўпайтиришни, улардан нусха олишни жуда ҳам соддалаштириб, қулай ва арzon бўлишини таъминлади. Замонавий босқичда йирик Миллий кутубхоналарни фойдаланувчиларни ахборот сўровларига жавоб бериши ва муаллифлик хуқуқини юридик талабларини бажарилишини кутубхоналарнинг молиявий манфаатлари билан боғлиқлигини мутаносиблигини таҳлил қиласиз. Ахборот-кутубхона фаолияти бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, хужжатларни нусҳалашга бўлган чегараланишлар сабабчисилари сифатида шартли равишда бир неча гурухга бўлиш мумкин: Хуқуқий, миқдорий, мақсади бўйича ва фойдаланиш шартлари бўйича. Куйида дунёнинг етакчи кутубхоналарининг хужжатларни нусҳалаш бўйича муаллифлик хукуқлари тажрибасини кўриб ўтамиз. (Германия Миллий кутубхонаси, АҚШ Конгресс кутубхонаси, Британия кутубхонаси, Франция Миллий кутубхонаси, Фин Миллий кутубхонаси, Дания Қироллик кутубхонаси, Австралия Миллий кутубхонаси).

### Хуқуқий чекловлар

Хуқуқ нормалари асосида ҳар бир кутубхона фойдаланувчиларини ўз фондларида сақланаётган хужжатлар муаллифлик хуқуқи, интеллектуал мулк ҳимояси остидаги эканилиги, ёҳуд бошқа қонуний хужжатлар асосида ҳимояланишини тушунтиришлари лозим. Бу мақсадлар учун одатда брошюралар, муаллифлик хуқуқи тўғрисида нусҳалаш ва фойдаланиш хақида ахборот варакалари орқали тарқатилади.

Муаллифлик хуқуқи муаллиф вафотидан кейин 70 йилгача амал қиласи. Британия кутубхонасида бундай муаллифларнинг асарларини нучхалашда

асарнинг хуқуқ эгаларидан рухсат олиниши ёки нусҳа олиш учун хақ тўланиши лозим. (copyright fee). Лекин бу тартиб нотижорат мақсадда фойдаланувчилар учун қўлланилмайди.

АҚШнинг Конгресс кутубхонаси материалларни нусҳалаш борасидаги сиёсатда муаллифлик хуқуқи тўғрисидаги Қонунга асосланади. Хуқуқ эгалари нусҳалашга, асарни ижро этишга рухсат беришда битта чегараланиш, бу «ҳалол фойдаланиш» («fair use») доктринасидир.

Кодекс ҳалол фойдаланишда ҳар бир конкрет холат учун тўртта факторни аниқлаб беради:

1. Фойдаланишнинг мақсад ва характеристики –тижорат мақсадлари дами ёки нотижорат таълимий мақсадлардами;
2. Асарларга бўлган муаллифлик хукуқларининг табиати;
3. Муаллифлик хуқуқи қонуни билан ҳимояланган асардан фойдаланилган қисмининг хажми ва аҳамияти;
4. потенциал бозорда муаллифлик хукуқи қонуни билан ҳимояланган асардан фойдаланишдан келадиган самарадорлик ҳамда унинг қийматига таъсири.

АҚШда асардан «ҳалол фойдаланиш» да қуйидаги холатларни кўриб ўтиш мумкин:

- танқидий таҳлилда ёки цитата келтиришда, иллюстрацияларни шарҳлашда қўлланилиши;
- илмий ёки техник ишларда иллюстрация, кузатишларни ёритиб бериш мақсадларида асардан қисқача парчаларни келтириш мумкин;

### **Миқдорий чегараланишлар**

Кутубхоналар фондидаги материалларни нусҳалаш ва қўпайтиришда фақат шахсий ва нотижорат мақсадларда фойдаланиш учун рухсат этилади, бошқа ҳеч қандай мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас. Тахминан шундай мазмундаги матн кутубхоналарнинг нусҳалаш бўлими қоидаларига киритилган. Британия кутубхонаси ўз фойдаланувчиларини нусҳалашнинг мақсади: илмий тадқиқот ёки мустақил таълим олиш мақсадида экани ва ҳеч қандай тиҷорат мақсадларига йўналтирилмаганлиги ҳақидаги бланк ариза тўлдирилиши ҳақида огоҳлантиради. Британия кутубхоналари ва Франция Миллий кутубхонаси сайтларида миқдорий белгиларига кўра чегараланишлар кўрсатилган.

Французлар бу борада либерал: китобларга нисбатан қуйидаги қоидалар қўлланилади. Бунга кўра ишнинг умумий хажмидан 10% ни нусҳалаш мумкин, вақтли нашрларни эса – нашрнинг 30% нусҳалаш мумкин.

Британия кутубхонаси:

- китоб ёки брошюра, ҳисботларни 5% гача, ёки битта бўлимни;
- битта моқолани бутунлигича ёки агар мақола катта бўлса, журнал, газетанинг 5% гача;
- конференция материалларидан битта мақолани бутунлигича, агар мақола катта бўлса 5% гача;
- ҳикоя ва шеърларнинг антологиясининг 5% гачаси, агар 10

варроқдан ортмаса;

- суд материаллари ёки чоп этилган маъruzаларнинг бир бутуни ёки 5% гача нусҳалашга рухсат беради.

Дунёнинг етакчи қутубхоналарининг муаллифлик хуқуқи ва нусҳалаш бўйича норматив талабларининг асосий манбалари қўйидагилар:

<http://www.copyright.gov/fls/fl102.html> Copyright – Fair use (Библиотека Конгресса США)

<http://www.bl.uk/services/npo/pdf/microfilmquality.pdf> (Британская библиотека)

[http://www.bnf.fr/site\\_bnf\\_eng/tools/copyright.htm](http://www.bnf.fr/site_bnf_eng/tools/copyright.htm) Bibliothèque nationale de France : Small reminder on french copyrights (НБФ)

<http://www.bnf.fr/pages/dernmin/pdf/photocopies.pdf> - там же

<http://www.lib.helsinki.fi/english/services/rapidcopies.htm> (НБ Финляндии)

[http://www.kb.dk/en/priser/foto/foto\\_8\\_generelle\\_betingelser.html](http://www.kb.dk/en/priser/foto/foto_8_generelle_betingelser.html)

(Королевская библиотека Дании)

<http://www.nla.gov.au/pub/gateways/issues/77/story08.html> The Fair Dealing Review and its importance for Australian libraries by Sarah Waladan

Executive Officer of the Australian Digital Alliance (ADA) and Copyright Adviser (law and policy) for the Australian Libraries Copyright Committee (ALCC).

Ўзбекистонда бугунги кунда ахборот қутубхоначилик иш жараёнларини автоматлаштириш ва электрон қутубхоналар яратиш билан боғлиқ бўлган ахборот муҳити шиддат билан ривожланиб бормоқда. Ахборот технологияларининг кенг қўлланилиши электрон кўринишдаги ахборотнинг кенг тарқатилиши, ундан нусха кўчиришнинг осонлиги, соддалиги ва барчанинг бу имкониятдан фойдалана олиши, нафақат инсониятнинг интеллектуал меҳнати маҳсули бўлган асарлар яратишга, балки рақамли кўринишдаги интеллектуал мулк обьектларининг фойдаланувчилари ва мулк эгалари ўртасидаги ихтилофларнинг келиб чиқишига ҳам сабабчи бўлмоқди.

Кўпгина университетлар, ахборот–қутубхона муассасалари ўзларининг электрон ресурсларини электрон каталог, тўлиқ матн кўринишидаги маълумотлар базаси, мультимедиа кўринишида шакллантирмоқда. Журнал мақолалари, китоблар, бошқа турдаги асарларни киритаётганда кўп холларда муаллифлик хуқуqlари билан боғлиқ саволлар туғилади. Ўз асарининг электрон форматда Интернет ёки локал тармоқ орқали очиқ фойдаланилишига ёки сотилишига муаллиф розими? Ўқитувчи ўз маъruzаларини университет ёки мактаб электрон қутубхонасига тақдим этишини хоҳлайдими? Маълумот базаларимизга ҳорижий муаллифларнинг ёки ноширларнинг розилигисиз электрон дарсликлар, мақолалар ва шу кабиларни киритилиши тўғрими?

Мазкур муаммо бугунги кунда, нафақат, электрон ресурсларни шакллантириш ишларини энди бошлаётган мамлакатларда долзарб. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳорижий матбуот ва ахборот воситаларида ривожланган

мамлакатлардаги муаллифлик ҳимояси масалалари билан боғлиқ суд жараёнлари ҳақидағи мақолалар тез-тез күзга чалинмоқда. Кўплаб муаллифлар глобал ахборот маконида ўзларининг ҳуқуқлари борасида фикрларини билдиримоқдалар.

Асарларни электрон тақдим этишнинг хилма-хиллиги, ахборотни тарқатишида Интернет ва телекоммуникация воситаларининг улкан имкониятлари ўз навбатида асар яратувчилари учун муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш муаммосини юзага келтирди. Шу муносабат билан электрон ресурсларни шакллантирувчи ахборот-кутубхона муассасалари ва бошқа муассасалар мазкур ресурсларнинг муаллифлик ҳуқуқларининг ҳимояланганлиги, улардан фойдаланиш ҳуқуқига қанчалик эга эканликлари, республикамизда мазкур масалага қаратилган ҳукумат қарорлари ва қонуннинг мавжудлигига аҳамият қаратишлари зарур. Бунда катта масъулият қимматли электрон фондларга эга бўлган ва янгиларини яратадиган ахборот-кутубхона муассасалари зинмасига тушади.

### **Нашрларнинг ҳуқуқий эгалари ва муаллифлар билан тузиладиган шартномалар шакли**

Мазкур бўлимда қонунчилик асосида тузиладиган шартномалар шакли кўриб чиқилади. Бу эса келгусида муаллифлик ҳуқуқларини бузмаган ҳолда юридик ҳужжатларни шакллантириш асос қилиб олинади. Шартномалар универсал характерга эга бўлсада, бу бўлимда ахборот кутубхона муассасалари билан муаллифлар ўртасида тузиладиган шартнома ва келишувларга тўхталиб ўтилади.

Асар муаллифлари ўзларининг асарларини бепул тарзда, фойдаланувчи рўйхатдан ўтгач, фойдаланиш статистикаси мавжуд бўлган ҳолда ёки пуллик асосда тақдим этишлари мумкин. Лекин ҳар қандай холатда ҳам кутубхона муассасалари муаллифлар билан лицензион шартномалар тузишлари шарт. Шартномалар бўйича қатъий стандартлар йўқ, лекин муаллиф билан шартномалар имзоланганда маълум позициялар мавжуддир. Бу қандай нуқтаи назарлар?

Қоида тарзида лицензион келишувлар қўйидаги тушунчаларга тегишли қисмлардан таркиб топган:

- Шартнома томонлари;
- Декларатив қисми;
- Шартнома талқини;
- Таърифлар;
- Қонунни танлаш;
- Шартноманинг асосий қисми;
- Мазкур лицензия томонидан бериладиган ҳуқуқлар;
- Кўллашдаги чекловлар;
- Кўлланилиш ва тугаш муддати;
- Лицензияланган материаллардан фойдаланишга имкон яратиш ва етказиш;
- Лицензион тўлов;

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

- Лицензиатор ҳаракатлари (ахборот кутубхона муассасаси);
- Бажарилиш ва баҳолаш ;
- Кафолат, мажбуриятлар, йўқотишларни компенсацияси;
- Форс-мажор;
- Фойдаланиш хукуқини бошқа шахсларга ўтказиш (Переуступка);
- Огоҳлантиришлар;
- Низоларни ҳал этилиши;
- Кўшимча ҳужжатлар;
- Имзолар.

Кўйида муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва халқаро тажрибалар асосида шакллантирилган шартномаларни стандарт шакллари берилган. Бу шакллар муаллиф талаблари, аниқ вазиятлар асосида ўзгартирилиши, тўлдирилиши лозим.

2.3. Республиканинг илғор ахборот инфратузилмасини яратишда жаҳон ахборот жамиятига қимматли илмий таълимий ресурсларни тақдим этиш соҳасида тенг хуқуқли шерик сифатида кириши ташқи ахборот алоқаларини ўрнатиш муҳимдир.

Бунинг учун электрон ресурсларининг етакчи ишлаб чиқарувчиларини тажрибаларини, илғор технологияларни ўрганиш, маълумот базаларини ташкил этиш формаларини, улардан ахборот кутубхона муассасаларида онлайн фойдаланишга шароит яратиш муҳим.

Илмий-таълимий муҳитда ахборотнинг инглиз тилидаги манбалари бошқаларига нисбатан кўпчиликни ташкил этади. Бу табиий, чунки инглиз тили халқаро мулоқот тили ҳисобланиб, барча илмий ва техник эришувлар марказида бўлиш, улардан хабардор бўлиш учун бу тилни тўлиқ дараджада эгаллаш мумхимдир. Айниқса, бу ахборот технологиялари ривожланиши халқаро ахборот алмашинуви чегараларини бузган даврда муҳим ҳисобланади.

Қуйида электрон илмий-таълимий ресурслар аналитик маълумот базаларига эга баъзи машҳур нашриётлар, агрегаторлар ҳақида маълумот келтирамиз /25- 63/.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг вазирликлари, олий таълим муассасалари, етакчи ахборот-кутубхона муассасалари билан ҳамкорлик қилувчи жаҳоннинг етакчи нашриётлари ва агрегатларига таърифлар келтирилади. Улардан баъзилари билан очик ёки имтиёзли фойдаланиш борасида келишувлар мавжуд. Шунингдек, республикамида минтақада улар ресурсларига эга бўлишни таъминловчи ҳамкорлар мавжуд.

**Alexander Street Press**

**<http://www.alexanderstreet.com/>**

Alexander Street – санъат, гуманитар фанлар ва ижтимоий фанлар бўйича 2000 йил май ойида тузилган кенг маштабли рақамли коллекцияларнинг академик маълумотлар базаси. Ношир маълум бир фанлар бўйича кўрсаткичларга кирган олимлар ҳавола қиласидаган манзиллар бўйича маълумотлар базасини шакллантиради. Alexander Street тарих, адабиёт, мусиқа, санъат, драма, кинемография, диншунослик, социология ва психология каби фанларни контенти бўйича фойдаланувчиларни энг керакли ва фойдали ахборотни тез ва осон топишларини кафолатлади.

**American Chemical Society**

**ACS Publications**

**<http://pubs.acs.org/>**

American Chemical Society журналлари – юқори сифатли ахборотни тақдим этувчи нуфузли илмий нашрлар жумласига киради. Фаолияти химия фани билан боғлиқ илмий ва таълимий ташкилотларнинг кутубхоналари, шунингдек, табиий фанлар ва универсал комплектлаш йўналишидаги кутубхоналар учун зарур ресурслардир.

Манбалар сони:

